

ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ
01 - СОҢЛИ

Марғилон шаҳар

« 05 » __ 12 __ 2022 йил

Бундан буён матнда “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб юритиладиган «Давр Бобур Нур» МЧЖ номидан, Устав асосида иш юритувчи директор Р. Мадаминов, бир томондан ҳамда бундан буён матнда “СОТИБ ОЛУВЧИ” деб юритиладиган “Марғилон шаҳар Тиббиёт Бирлашмаси” номидан, Устав асосида иш юритувчи раҳбари Н.Х.Рахимов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани (бундан буён матнда – “ШАРТНОМА”) туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. ЕТКАЗИБ БЕРУВИ СОТИБ ОЛУВЧИга маҳсулотларни, жумладан – юмшоқ жихозларни (бундан буён матнда - “Маҳсулотлар” деб юритилади) Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган миқдор, нархлар ва ассортиментда етказиб бериш мажбуриятини олади, СОТИБ ОЛУВЧИ эса ШАРТНОМА шартлари бўйича маҳсулотларни қабул қилиш ва тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

1.2. Етказиб бериладиган Маҳсулотга спецификация:

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Ёстик (подушка)	шт	80	31000	2 480 000
2	Чойшаб (постельный бельё)	шт	100	144000	14 400 000
3	Ёпинчиқ (одеяло)	шт	100	85000	8 500 000
4	Тўшак (Матрац)	шт	80	94000	7 520 000
	Жами сумма:				32 900 000,00

1.3. Ушбу Шартноманинг умумий суммаси ўттиз икки миллион тўққиз юз минг сўмни ташкил этади. Шундан КҚС - 4291304,35 Тўрт миллион икки юз тўқсон бир минг уч юз тўрт сўм 35 тийин

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

2.1. Маҳсулотлар учун тўлов СОТИБ ОЛУВЧИ томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

2.1.1. Томонлар томонидан мазкур Шартнома имзолангандан кейин 5 (беш) календар кун ичида Шартнома умумий суммасининг 30% миқдоридаги олдиндан тўлов (ва агар сотиб ОЛУВЧИ бюджет ташкилоти бўлса, газначиликда рўйхатдан ўтказиш).

2.1.2. Етказиб берилган маҳсулот қийматининг қолган қисмини тўлаш - Маҳсулот етказиб берилган кундан бошлаб 20 (йигирма) календар кун ичида.

2.2. СОТИБ ОЛУВЧИ ушбу Шартномани имзолаш орқали ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИга тўловни тўлаш муддати бўлганда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда тўлов талабини расмийлаштириш йўли билан СОТИБ ОЛУВЧИнинг ҳисоб рақамидан қарз миқдорини ундириш учун ҳуқуқ беради.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Етказиб берувчи ўз ҳисобварағига Маҳсулотлар учун олдиндан тўлов тушган кундан бошлаб 10 (ўн) календар куни ичида Маҳсулотларни етказиб бериш мажбуриятини олади. Маҳсулотларни етказиб бериш Етказиб берувчи томонидан муддатидан олдин амалга оширилиши мумкин.

3.2. Тўлов тўлик бўлмаган тақдирда, маҳсулотларни юбориш партиялар билан амалга оширилиши мумкин. Маҳсулотлар партиялар билан жўнатилганда, ассортимент, нарх ва миқдор Томонлар томонидан ҳар бир партия учун алоҳида белгиланади ва келишилади ва алоҳида Спецификацияда ёки Етказиб берувчи томонидан берилган ҳисоб-фактурада кўрсатилади.

3.3. Маҳсулотларни топшириш билан бир вақтда Етказиб берувчи Сотиб ОЛУВЧИга маҳсулотга тегишли ҳужжатларни (мувофиқлик сертификати, гигиена сертификати ва бошқалар) топшириши шарт.

3.4. Тайёр маҳсулотлар ушбу маҳсулотлар гуруҳи учун белгиланган техник шартларга мос келиши керак.

3.5. Маҳсулотларни етказиб бериш Етказиб берувчи нинг омборидан қуч ва воситалар ёрдамида ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ҳисобидан етказиш йўли билан амалга оширилади. Етказиб берувчи (ўз ихтиёрига кўра) Маҳсулотларни Сотиб ОЛУВЧИга етказиб бериш ҳуқуқига эга.

3.6. Етказиб бериш санаси ҳар икки Томон томонидан йўл варақаси ёки ҳисоб-фактура имзоланган сана ҳисобланади. Ҳар иккала Томон томонидан ҳисоб-фактура имзоланган пайтдан бошлаб маҳсулотга эгалик Сотиб ОЛУВЧИга ўтади.

3.7. Маҳсулотларни олаётган вақтда Сотиб ОЛУВЧИнинг вакили паспорт ва тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончномага эга бўлиши керак. Акс ҳолда, Етказиб берувчи маҳсулотни бермаслик ҳуқуқига эга.

3.8. Агар Шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ун) календар кун ичида Етказиб берувчи нинг ҳисобварағига пул маблағлари (олдиндан тўлов) келиб тушмаса, Етказиб берувчи етказиб берилган Маҳсулот нархларини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга ва Етказиб берувчи нинг оморидида маҳсулот мавжудлиғига кафолат бермайди ёки ушбу Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4. МАҲСУЛОТЛАРНИНГ СИФАТИ ВА МИҚДОРИ

4.1. Етказиб берувчи Сотиб ОЛУВЧИга у томонидан етказиб бериладиган маҳсулот сифати давлат стандартлари, техник шартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини кафолатлайди.

4.2. Маҳсулотлар миқдори юк ҳужжатда кўрсатилган жойлар сони ва вазнига мос келиши керак.

4.3. Сотиб ОЛУВЧИ томонидан сотилмаган ва фойдаланилмаган Маҳсулотлар, агар етказиб берилган маҳсулотлар спецификацияга мувофиқ Сотиб ОЛУВЧИнинг аризасига тўлиқ мос келадиган бўлса, қайтариб берилмайди ва бошқа турдаги маҳсулотга алмаштирилмайди.

5. ДАЪВОЛАР

5.1. Даъволар Сотиб ОЛУВЧИ томонидан қуйидагиларга нисбатан берилиши мумкин:

- маҳсулот миқдори, унинг ҳисоб-фактурада кўрсатилган миқдорига мос келмаган тақдирда, маҳсулот етказиб берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк кун ичида;

- маҳсулот сифати, ушбу Шартнома шартларида кўрсатилган, унинг сифатига мос келмаган тақдирда, маҳсулот етказиб берилган кундан бошлаб 10 (ун) иш кун ичида.

5.2. Маҳсулот қабул қилингандан кейин 10 (ун) иш кун ичига ўтгач, Сотиб ОЛУВЧИ Етказиб берувчи га даъво билдириш ҳуқуқига эга эмас. Агар даъво асосли бўлса, Етказиб берувчи уни Сотиб ОЛУВЧИдан олган кундан бошлаб 15 кун ичида ўз ҳисобидан етказиб берилиши ёки нуқсонли маҳсулотни алмаштирилиши шарт.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ, НИЗОЛАРНИ КўРИБ ЧИҚИШ

6.1. Етказиб берилган маҳсулот учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, Сотиб ОЛУВЧИ Етказиб берувчи га кечиктирилган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 20%дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.2. Маҳсулотларни жўнатиш кечиктирилган тақдирда, Етказиб берувчи кечиктирилган ҳар бир кун учун жўнатилмаган маҳсулот миқдорининг 0,4% миқдорида, лекин жўнатилмаган маҳсулот миқдорининг 20%дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Етказиб берилмаётган Маҳсулотлар мажбурий сифат шартларига жавоб бермаса, Сотиб ОЛУВЧИ маҳсулотни қабул қилишдан бош тортиш ёки улар учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, агар маҳсулот учун аллақачон тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммаларни қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6.4. Мазкур Шартнома томонлари ўзаро шунга келишдилар, агар низоларни музокаралар йўли билан ҳал этилишини иложи бўлмаса, Томонлар уларни Етказиб Берувчи жойлашган жойи бўйича иктисодий судига кўриб чиқиш учун тақдим этадилар.

7. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ОГОҲЛАНТИРИШ

7.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг қафилланган шахслари, директорлари, мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошқа вакиллари ноқонуний фойда ёки бошқа ноқонуний мақсадларни қўлга киритиш мақсадида ҳар қандай шахсга ушбу шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун, бевосита ёки билвосита қандайдир пул ёки қимматбаҳо нарсаларни бермайди, беришни таклиф қилмайди, воситачилик қилмайди ва ёки руҳсат бермайди. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг қафилланган шахслари, директорлари, мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошқа вакиллари Шартнома мақсадлари учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандек пора бериш олиш, тижорий порахўрлик каби ҳаракатларни, шунингдек жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювиш) қарши курашни бўйича амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузувчи ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

7.2. Томонлар, ҳар бир Томон пул маблағларини ювиш ва унга тегишли фаолият билан боғлиқ барча амалдаги қонунларга риоя қилишга ҳаракат қилишини таъминлашга қаратилган ҳолда, ушбу саъй-ҳаракатларни давом эттирган ҳолда, ҳар бир Томон ушбу Шартнома билан Томонларда мавжуд бўлган тегишли экспертиза ва текширишга асосланган маълумотлар асосида, Томонлар томонидан инвесторлар, кредиторлар ёки бошқа ҳомийлардан олинган пул маблағлари ёки мол-мулклар амалдаги қонунлар ёки қондаларга, шу жумладан, пул ювиш ва уларга тегишли фаолият билан боғлиқ қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга зид бўлган қандайдир фаолиятнинг натижаси эмаслигини тасдиқлайди, кафолатлайди ва розилик беради. Ҳар бир Томон, шунингдек, Томонлардан бирининг бошқа Томонга пул маблағи ёки мол-мулкни тўлаш ҳар икки Томон томонидан амалдаги қонунлар ёки қондаларнинг бузилишига олиб келмаслигини маълум қилади ва кафолатлайди.

7.3. Томонлардан бири ушбу бўлимда тақиқланган ҳаракатлар бўйича ўз мажбуриятларини бузган тақдирда ва ёки бошқа Томондан Шартномада белгиланган муддатда қонунбузарликлар содир бўлмагани ёки рўй

бермаслиги тўғрисидаги тасдиқни олмаган бўлса, бошқа Томон мажбуриятлар бажарилишини тўхтатиб туриши ёки Шартномани бир томонлама тўлиқ ёки қисман бекор қилиши тўғрисида ёзма хабарнома юбориш орқали бекор қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу модданинг қондаларига мувофиқ, Шартномани ташаббуси билан бекор қилган Томон бундай бекор қилиш натижасида эътибор қилинган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Агар Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик томонларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ва Шартнома имзолангандан кейин пайдо бўлган сув тошқини, ёнгин, zilзила, давлат органларининг ҳаракатлари ва бошқа форс-мажор ҳолатларига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар натижасида бўлса, Томонларнинг ҳеч бири ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди. Бунда ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай ҳолатларнинг давомийлигига муносабат равишда кечиктирилади.

8.2. Агар 8.1-бандда кўрсатилган ҳолатлар 6 ойдан ортиқ давом этса ёки улар юзага келганда, уларнинг амал қилиш муддати белгиланган муддатдан узоқроқ давом этиши аниқ бўлса, у ҳолда Томонлар келишувга эришиш учун 30 кун давомида музокаралар олиб боришлари керак.

9. МАХСУС ШАРТЛАР

9.1. Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартiriш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда тузилган ва иккала Томоннинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, амал қилади.

9.2. Шартномани ўзгартiriш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифлар манфаатдор томон томонидан Шартнома бўйича бошқа томонга камида 1 ой олдин юборилади. Шартномани ўзгартiriш ёки бекор қилиш тўғрисида таклиф олган томон таклифлар олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай жавоб бериши керак.


9.3. Ушбу Шартнома бўйича даъво ҳуқуқлари Томонлардан бири томонидан фақат бошқа Томоннинг ёзма розилиги билан учинчи шахсларга берилиши мумкин.

9.4. Шартнома икки нусхада, ҳар бир томон учун биттадан тузилди, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

9.5. Мазкур Шартнома томонлар имзолаган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга кирилади ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

9.6. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши томонларни бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгарликдан озод этмайди.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»	«СОТИБ ОЛУВЧИ»
«Давр Бобур Нур» МЧЖ	Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси
Манзил: Фарғона в. Марғилон шаҳар Янги Фарғона № 105 Тел: (99891) 677-00-98	Манзил: Марғилон шаҳар Туркистон № 171 Тел: (73) 253-20-04 Факс: (73) 253-30-39
х/р: 20208000305381463001 «Аскабанк» Фарғона филиали ФЛА: 00539. СТИР: 308400864	х/р: 23402000300100001010. Марказий банк Тошкент ш. Бош бошқармаси МФО: 00014. СТИР: 201122919. ОКОНХ: 91511 ШХР: 400322860304127072301054001 ИНН: 200138669
Директор:  Мадамшинов Р.	Раҳбар:  Раҳимов Н.Х.
	

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

HT1616711477

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **YUmshoq jixozlar**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: MARG'ILON SHAHAR TIBBIYOT BIRLASHMASI tomonidan 05.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Marg'ilon shahar
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



G'.A.ABDUVALIYEV
06.12.2022